Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаҳ, вала илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, демоқлигим мен учун қуёш нури етиб борган ҳамма нарсадан яхшироқдир», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаҳ, вала илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, демоқлигим мен учун қуёш нури етиб борган ҳамма нарсадан яхшироқдир», дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолони қуйидаги улуғ сўзлар билан зикр қилмоқ дунё ва ундаги барча нарсадан яхшироқ эканини хабар бермоқдалар. Улар: «Субҳаналлоҳ»: Аллоҳ таолони нуқсонлардан поклаш. «Алҳамдулиллаҳ»: У Зотни улуғлаб, яхши кўриб, комил сифатлар билан сано айтиш. «Лаа илааҳа иллаллоҳ»: Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. «Аллоҳу акбар»: Аллоҳ барча нарсадан улуғ ва буюкдир.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6211